



Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2010 йил 5 июль, Душанба

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Жиззах санъат коллежида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шахар ва туман босқичларида голибликни кўлга киритган 40 нафар истеъдод эгаси юрт мадҳини тараннум этувчи энг сара кўшиқлари билан иштирок этди.

Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида Қашқадарё вилоятида бир йил давомида бир миллион 909 минг 458 АҚШ доллари қийматидаги 27 та лойиҳа амалга оширилди.

Самарқанд вилояти «Ёшлар маркази»да «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда шахар, туман босқичларида голибликни кўлга киритган 35 ёшгача бўлган ёш оилалар танишув, саҳна кўриниши, савол-жавоб, моҳир кўрлар, эркин мавзу шартлари асосида беллашди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда Одам савдосига қарши кураш бўйича Сирдарё ва Хоразм вилоятлари хуудий идоралараро комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Маҳаллилаштириш дастури доирасида Намангандаги «Ўзэлектротерм» акциядорлик жамиятида навбатдаги лойиҳа амалга оширилди. Корхонада темир йўллар ўтши жойи учун автомат тўсиқлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳозирда янги маҳсулот учун дастлабки буюртмалар келиб тушмоқда.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳрида корхона, ташкилот ва муассаса ёшларининг I республика анжумани бошланди. Тадбир доирасида, шунингдек, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг якуний босқичи ҳам ўтказилди.

ЖАҲОНДА

Польшада бўлиб ўтган навбатдан ташқари президент сайловларининг иккинчи ҳал қилувчи босқичида бошқарувчи «Фуқаролик платформаси» партиясидан номзод, сейм спикери Бронислав Комаровски рақиби Ярослав Качиньскини ортда қолдирган ҳолда голиб чиқди. Сайловларнинг умумий якуни бугун эълон қилинади.

Ўзининг Шарқий Европа ва Жанубий Кавказ минтақаси бўйлаб беш кунлик ташрифини бошлаган АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон Озарбойжон ва Арманистон республикаларида бўлди. Хар иккала давлат раҳбарлари билан учрашуви чоғида Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал этиш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. АҚШ давлат котиби ушбу масала бўйича Америка Тинчлик битимини тузишга ёрдам беришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Кеча Мексикада 12 та штат губернаторлари, бир неча шахар мэралари ҳамда маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

АҚШ Мексика кўрфазидида нефть сиқиб чиқиши муаммосини ҳал этиш учун 12 та мамлакатдан ва ташкилотдан ёрдам олишга қарор қилди. Ҳозирга қадар 30 дан ортқ давлатлар ва халқаро ташкилотлар АҚШга Мексика кўрфазидида рўй берган авария натижаларига барҳам беришга ўз кўмаklarини кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Хитой олимлари тўртинчи илмий экспедицияни ўтказиш учун Арктика музликларига йўл олдилар. Илмий экспедиция 85 кун давом этади ва «Сюзун» музёри бортида Корея Республикаси, Финляндия, Эстония, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг олимларини ҳам кўшганда 125 нафар кутбчи мавжуд. Экспедициянинг бош мақсади Арктика музликлари ҳолатининг ўзгариши механизmlарини чуқур ўрганишдан иборат.

Тез-тез шоколад истеъмол қилиб туриш юрак хуружи ва инсулт каби нохуш хасталикларга чалинишнинг олдини олишда фойдалли экан. Австралиялик олимлар 1955-2000 йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотлар якунида шундай хулосага келганлар. Бунга шоколад таркибидидаги бир неча зарур маҳсулотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (11.690)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барқарор ривожини таъминлангани, қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги ҳамкорликдаги қўшма ва хорижий корхоналар сағи кенгайиб, жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислохотлар оқимида

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА МОС

Яратилган ушбу дастгоҳларда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. — Яхши маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида харидор талабини қондириш учун маркетинг ишларини яхши йўлга қўйган ҳолда ва замонавий технологиялар асосида маҳсулот тайёрлаш лозим, — дейди корхона директори Андрей Капустин. — Корхонамизда халқаро андозаларга мос маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, айтиш лозимки, ишчи-хизматчиларимизнинг замонавий технологияларни ўзлаштиришда орттирган тажрибаси ва маҳорати маҳсулотнинг сифатини таъминлаб, буюртмаларни қисқа фурсатларда удалашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ойна қатламлари, текис ва эгилувчан, ла-

минатланган ва меъморчиликка мўлжалланган ойна турлари сифати билан ажралиб туради. Шунингдек, ойнага бадиий безак бериш, витражлар тайёрлаш, мебель, пластик ром ва алюмин йиғмалар ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар ҳам ортиб бормоқда. Яқка тартибдаги буюртмалар ҳам талабга қўра баҳариб берилади. Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида «Wodego», «Paum Plus», «EKU», «Homag», «Rehau» сингари таъкил фирмаларнинг бутловчи қисмларидан унумли фойдаланилади. Маҳсулот дизайнига ҳам маҳорат билан ёндошилади.

Бугунги кунда корхонада янги лойиҳалар устида ишланшлар олиб борилмоқда. Бунинг самараси янги маҳсулотларда акс этиши, шубҳасиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
Ҳақимжон Солиҳов олган сурат



Германиянинг «Steinert Industries Gmb.H S Co. KG» ишлаб чиқариш компанияси киритган сармоа асосида ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият олиб бораётган «Техноинвест-СТ» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона бунинг яққол мисолидир. Мазкур корхона айни пайтда Марказий Осиёда ягона кўп тармоқли мажмуа ҳисобланиб, республикамиз бозорида ойнани

қайта ишлаш бўйича етакчилардан биридир.

Корхона цехларидан бугунги кун талабларига жавоб берадиган ва маҳсулот сифатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Европа давлатларидан келтирилган дастгоҳлар ўрин олган. Германия, Италия, Швейцария, Франция сингари давлатларнинг етакчи фирма ва компаниялари томонидан энг сўнги технологиялар бўйича

Учтала туманида «Dimax» қурилиш савдо мажмуаси очилди. Ушбу янги мажмуа ҳудудида «Story Land» доимий ишлайдиган қурилиш моллари, ускуналар ва махсус техника ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда.

Фармон ва ижро

ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда қурилиш саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда, замонавий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, савдо мажмуалари, турар-жойлар ва бошқа объектлар барпо этилаётган. Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналари томонидан ўттиз турдан ортқ замонавий қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва 2009 йил 19 июнда имзоланган «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур тармоқни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Dimax» савдо мажмуида тадбиркорлар учун терминаллар билан жиҳозланган 200 дан зиёд замонавий савдо павильонлари, тайёр маҳсулотларни намойиш қилиш учун катта кўрғазма зали, омборхоналар, махсус техникани жойлаштириш майдончаси, бепул авто-тўхташ жойи, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа қулайликлар яратилган. Мажмуада мамлакатимиздаги уч банк филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

«Story Land» тармоқ ярмаркаси янги самарали технологиялар, замонавий материал ва ускуналарни бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда қурилиш саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «Ўзқурилиш-материаллари» компанияси кўмағида «Shosh Invest» ва «Dimax Metall Servis» Ўзбекистон компаниялари гуруҳи томонидан ташкил этилди.

Мажмуа «Ўзсанотқурилишбанк»нинг кредит маблағлари ҳисобидан барпо этилди. Бу ерда давом эттирилаётган қурилиш ишлари жараёнида яна бир неча корпуслар қурилади. Бу мажмуада сотиладиган қурилиш материаллари турларини янада кенгайтириш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА муҳбири

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ёзувчи ва шоирлари, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда биз учун энг буюк, энг азиз кадрлар, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилошларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи - мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган «Энг улуг, энг азиз» аънаванинг танловига тақдир этилади.

Танловга «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоғани ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган асарларда Ватанимизнинг ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлгани, истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётгани, ҳар бир юртдошимиз ўз истеъдоди ва қобилиятини намойён этишининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётгани чуқур очиқ берилган бўлиши керак.

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Шунингдек, эълон қилинган материаллар мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз - халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини, бетакор меросимиз, бой тарихимиз, урф-одат ва аъналаримизнинг қайта тикланганини, одамларимизнинг дунёқароши тубдан ўзгариб, Ватан тақдирини ва истиқболини дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний камол топаётганини мамлакатимизда ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилишга қаратилган бўлиши зарур.

«Энг улуг, энг азиз» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
— ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
— босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
— телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
— тасвирий санъат асарлари;
— кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғлиниш телефонлари.

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 2010 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газеталар, журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақола-лар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, эълон қилинган тасвирий санъат ва экранлардан намойиш этилган кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблири Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами арафасида муқофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61;
244-37-87; 244-11-64.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ «КАМОЛОТ» ЁИХ Марказий кенгаши ва шаҳар бўлими ҳамкорлигида миллий рамзларимизга бағишлаб уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари иштирок этди.

✓ ТОШКЕНТ ИХТИ-сослашган хотин-қизлар коллежида битирувчи ўқувчиларга дипломлар топширилди.

✓ ТОШКЕНТДА тиббиёт муассасалари, озик-овқат ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг овқатланишини яхшилаш миллий стратегиясини татбиқ этиш бўйича ҳамкорлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

✓ ЭРТАГА Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси юридик бўлими томонидан умумий мулкни сақлаш масалаларига бағишланган маसалаҳат йиғилиши ўтказилади.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

— Инқирозга қарши чора-тадбирлар доирасида иқтисодийнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш жараёни лари босқичма-босқич амалга оширилиб, пировадда аҳоли турмуш даражаси муттасил ошиши таъминланмоқда, бу борада бандлик хизматларининг ўрни ҳам алоҳидадир.

Ҳар бир туманда фаолият юритаётган марказлар томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, жисмоний имконияти чеklangанлар ва пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари изчил йўлга қўйилган. Мутахассислар меҳнатга лаёқатли, лекин банд бўлмаганларни ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришга кўмак беради. Маълумот ўрнида шунинг эслатиб ўтиш жоизки, касб-хуна колледжлари ва олий ўқув юрларини битирган ёшлар учун алоҳида квота жойлари мавжуд. Армия хизматидан қайтганлар, жисмоний имконияти чеklangанлар, меҳнат бозоридан ўз ўрнини топа олмаган бошқа аҳоли қатлами муҳофазатлари ижобий ҳал этилишида иш берувчи субъектлар билан тузилган шартномалар самара бермоқда. Бу борада ижтимоий ҳамкорлик дастури ало-

ҳида эътиборга эга. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари мазкур дастур доирасидаги муҳим тадбир ҳисобланади. Шаҳримизда мавжуд вакант ўринлар билан кенг тарзда танишиш имкониятини яратаётган бундай тад-

Меҳнат бозорини ривожлантириш ва кенгайтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Иш билан банд бўлган инсон эса ўзига, оиласига ва жамиятга ҳам фойда келтиради. Бу борада бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳаракати хусусида Яккасарой тумани мисолида туман маркази раҳбари Дилдора Муҳиддинова қуйидагиларни гапириб берди:

дан туманда 3140 та янги иш ўрни ташкил этилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма ривожланаёт-

плюс» 57 та янги иш ўрнини яратишга эришди.

Касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали шакллари ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришда 264 та, уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантиришда 277 та иш жойлари ташкил этилди.

Жумладан, миллий хунармандчиликни ривожлантиришда 55 та, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма йўналиши бўйича 78 та, корхоналар фаолиятининг тикланиши натижасида 27 та иш жойи яратилди.

Ўтган давр мобайнида марказга 1041 киши муҳофазат этган бўлса, шулардан 883 нафари ишга жойлаштирилди. 151 киши ишсизлик мақомини олиб, касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юборилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
эзиб олди

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

бирлар давомида ҳамма ҳам кўнгулдаги ишни топа олмаслиги мумкин, аммо малакали мутахассисларнинг маслаҳати бесамар бўлмаётди.

Тадбир олдинда тарғибот ишларини марказ аъзолари анча аввалдан бошлади. Бунда маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам бераётгани фойдадан холи эмас. Вақтинча ишламаётган аёллар, ёшларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида жорий йил боши-

гани алоҳида аҳамият касб этаётди. Янги ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ишларини амалга ошириш баробарида, жумладан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳамда «Алфа-текстиль» қўшма корхонаси тасарруфида қўшимча 217 та иш ўрни яратилди. Кичик корхона ва микрофирмалардан «Дияркон-текстиль» ва «Дикей-текстиль» МЧЖлари тикувчилик соҳасида 251 та, қурилиш ва пудрат ишларини ривожлантиришда «Эвалак қурилиш» ва «Кафолат қурилиш

Таълим масканларида

УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

Тошкент банк коллежини битирган ёшлар банк, сугурта иши, молия агенти ҳамда банкларда бухгалтерия ҳисоби йўналишларида мутахассисликларга эга бўлади. Жумладан, ўтган ўқув йили битирувчиларидан 57 нафари олий ўқув юрларига кирган бўлса, қолганлари иш билан деярли тўлиқ қамралган. Аммо тахлилларимиз шунинг кўрсаткичида, ёшларимизнинг бандлигини таъминлашда янада самарали воситаларни қўллаш зарур. Авваламбор ҳар бир жабҳада мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш қаторида, шунингдек янги имкониятларни ҳам излаш муҳим аҳамиятга эгадир. Даромад келтиришни ўйлаб, ноқонуний иш билан шуғулланиш охири-оқибат пушаймон келтиришни фарзандларимиз онгига ўқиш давридаёқ сингдириб боришимиз зарур деб биламан.

Бу йили коллежимизда «Фоялар маркази» клуби очилди ва бундан мақсад битирувчиларнинг бандлик масаласига самарали ечим топишдан иборат. Қувонарлиси, клуб ўқувчиларимиз ташаббуси билан ташкил этилиб, унинг фаолиятини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омил сифатида устувор вазифа

бўлиб қолаётгани бежиз эмас. Ушбу соҳанинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришларига нисбатан тез мослаша олиши ҳақида ўқувчиларимизга мисоллар билан ўргатиб бораемиз.

Сайёҳатлари-мизнинг самарали кечилишида «коллектив битирувчи» — иш берувчи — уч томонлама шартнома алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу борада ҳамкорларимиздан банк муассасалари, йирик корхона-ташкилотлар ва бевосита Собир Раҳимов тумани банд-

ликка кўмаклашувчи марказга таяниб, иш кўраемиз. Меҳнат ярмаркаларида доимо қатнашиб келамиз.

Айни пайтда коллежимизда тахсил олаётган ва жорий йилда учирма бўлган ёшларимизга шунинг эслатиб ўтмоқчимизки, инсон танлаган касби, маҳоратига яраша иш топиши учун авваламбор ўз ҳуқуқини яхши билиши, бу борада фақат қонунга асосан йўл тутиши лозимдир.

Ваҳоб ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси



Бандликка кўмаклашувчи марказлар меҳнат бозоридан ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг бўш ўринларини ўрганган ҳолда банд бўлмаган фуқаролар талабини қаноатлантиришга ҳаракат қилади.

СУРАТЛАРДА: Миробод тумани бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан уюштирилган меҳнат ярмаркасида лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



Сўраш, жавоб берамиз

ИШ БЕРУВЧИ НАФАҚА Тўлайдими?

Корхонада тўртинчи ой ишлаётганимда, бахтсиз ҳодиса туфайли иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузилди ва туман ижтимоий таъминот бўлимида менга нафақа тайинланди. Лекин ишонандан ҳеч қандай ёрдам

бўлгани йўқ...
Омон Ҳакимов, Миробод тумани
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган. Ходимнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқа тарзда бузилиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт. Ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам

меҳнатда майиб бўлиши, шунингдек иш берувчи томонидан ажратилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда шикастланиши натижасида етказилган зарар учун иш берувчи моддий жавобгар бўлади. Тўлаши лозим бўлган товон пули жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланиб, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганини даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловдан, соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг қоплаанишидан, белгиланган ҳолларда эса бир йўла бериладиган

нафақа тўлашдан иборатдир. Меҳнат кодексининг 194-моддасида ходимга шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақа шартномада кўрсатилмаган бўлса ёки бундай шартнома тузилмаган бўлса, у иш берувчи билан касба уюшма кўмитаси ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

УМУМИЙ СТАЖГА Қўшиладими?

Таълимнинг қандай турлари меҳнат стажига

кўшиб ҳисобланади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Ойдин Шорасулова, Сергели тумани

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддаси «е» бандига кўра, олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари, аспирантура ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элдаги ўқиш даври иш стажига кўшиб ҳисобланади.

Бўри МИРАЛИМОВ, Мирзо Улуғбек тумани 6-давлат нотариал идораси нотариуси

Фармон ва ижро

ИШОНЧЛИ ДАРОМАД МАНБАИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу иқтисодий барқарорликни ошириш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этишда муҳим омиллардандир.

Юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 5 майда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўлаётди.

Банк матбуот хизматидан маълум қилишларича, мазкур молия муассасаси 2009 йилда тадбиркорлик субъектларига 140 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратиб, 90 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатган. Жорий йилда ҳам бу борада изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2010 йилнинг ўтган даврида 43,5 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Бу кўрсаткичи йил охирига қадар 100 миллиард сўмга етказиш ҳамда 30 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

«Микрокредитбанк» асосий эътиборни юртимизнинг олис туманлари, қишлоқ ва овулларида яшайётган аҳоли учун ишончли даромад манбалари яратишга қаратмоқда. Мутахассислар томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган семинарлар, учрашувлар ва тадбиркорлик дарслари микросармоялар самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётди. Бундай тадбирларда шаҳар ва туман ҳокимликлари, маҳаллалар кўмағида жойларда микросармоялар эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркалари ташкил этилаётгани банк ва миқдор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантирмоқда.

Банк фаолиятида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Жумладан, банк ташкил этилгандан буён 28 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қиз молиявий қўллаб-қувватланди, улар учун 25 миллиард 88,6 миллион сўмдан ортиқ микрокредит маблағлари ажратилди. Натижада турли тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми ва сервис хизматларининг салоҳияти ортиши билан бир қаторда аёллар бандлиги даражаси кенгайиб, кўплай уй бекаларининг меҳнатга жалб этилиши таъминланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида икки мингга яқин тадбиркор хотин-қизга 10 миллиард сўмдан кўпроқ кредитлар ажратилди. Бу эса қарий 8 минг нафар аёлни иш билан таъминлаш имконини берди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Иқтисодиёт

ИМПОРТ ўрнини БОСМОҚДА

Бугунги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан харидорларга тортиқ этилаётган кўплай маҳсулотлар сифати, қадоқланиши билан четдан келтириладиган товарлар билан бемалол рақобатлашмоқда.

Бу, албатта, ички бозорга хориддан кириб келаётган маҳсулотларни қамайтириш баробарида валюта захирасини ҳам мувофиқлаштириб боришга асос бўлмоқда.

«Biolayn Rosmetics» масъулияти чеklangан жамияти ҳам 2007 йилда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган. Шуниси қувонарлики, бугунги кунда 40 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур жамоада натижалар мақсадга яраша амалга ошди. Илк фаолият бошлаган даврида 12 хил маҳсулот тайёрланган бўлса, бугун уларнинг тури 100 дан ортди. Четдан келтириладиган маҳсулотлар билан бемалол рақобатлашадиган, сифати билан улардан асло қолишмайдиган, нархи эса бир мунча арзон косметика воситалари харидорларга манзур бўлиб, талабини тўла қондирмоқда.

Қадоқланиши ҳам дид ва эҳтиёжга яраша бўлаётган соч ювиш воситалари, соч бўёқлари, суюқ совун ва тана аъзоларига мўлжалланган соғломлаштирувчи кремлар ички бозорда аллақачон ўрнини топа олди.

— Маҳсулотларимиз барча ёшдаги аёллар, эркеклар ва болалар учун мўлжалланган, — дейди корхона директори ўринбосари Саида Ҳасанова. — Бозорда мустақкам ўринга эга бўлиш ва шунинг баробарида экспортни йўлга қўйиш учун маҳсулотларимиз сифатини ошириб, турларини йил сайин кўпайтириб бораёلمиз. Жорий йилда янги хорижий технологик линиялар ўрнатиб, ювиш воситалари ҳамда атир совун ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробарга ошириб, ўнта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Мамлакатимизда бошқарув соҳаси ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда халқаро компанияларнинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда ҳар йили кўплаб тренинглар, ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

“Марказий Осиёда минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ташкил этилаётган семинарлар ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради. Учрашувлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвес-

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Тошкент автомобиль йўллар институтида «Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ривожлантириш» мавзуида иккинчи миллий семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Германиянинг «InWent» халқаро малака ошириш ва ривожлантириш жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

тициялар ва савдо вазирлиги ҳамда “InWent” малака ошириш ва ривожлантириш жамияти (Германия) ҳамкорлигида ташкил этилди. Жорий йилнинг май ойида “Транспорт ва логистика”, “Минтақавий иқтисодий ривожлантириш” мавзуларида

дастлабки тренинглар бўлиб ўтган эди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент

автомобиль йўллар институти вакиллари иштирок этди. Навбатдаги семинарда бизнес-хизмат кўрсатиш мавзуи муҳокама қилинди. Унда ташкилий таҳлил, ташкилий тузилмани такомиллаштириш, стратегик ривожлантириш, минтақавий иқтисо-

диётни ривожлантиришда корхона ва вилоятлар ички эҳтиёжини ташкил этиш ва идентификациялаш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидлаш жоиз, “InWent” жамияти ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ўзаро аниқлашув Меморандуми асосида бошланди. Мазкур ҳужжатдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимиздаги давлат бошқаруви ва халқ хўжалиги соҳалари мутахассислари ва бошқарув ходимларининг малакасини оширишдан иборатдир.

**М.МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири**

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

ИИВ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида битирувчи курсантларга диплом топшириш ва офицерлик-лейтенант унвонини тайинлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти, фахрийлар, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ушбу билим маскани минглаб ички ишлар ходимлари, соҳа мутахассисларини етиштирган.

— Бугун кўпчилик қатори менинг фарзандим ҳам махсус битирув дипломини кўлга киритди, — дейди Муҳаббат Абдурахимова. — Бу ерда йўлланган барча ота-оналарнинг қувончи чексиз. Фарзандларимиз эл қорига яраб, Ватанимизга хизмат қилаётганидан жуда ҳам хурсандим.

Айтиб ўтиш жоизки, 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қисқа вақт ичида соҳада кўп ўзгаришлар юзга келишига асос бўлди. Хусусан, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабининг моддий негизи янада бойитилди. Ўқув ва машғулот хоналари замонавий компьютерлар билан таъминланди, спорт мажмуаси янги анжумлар билан жиҳозланди. Қулай шарт-шароитлар таълим олаётган курсантларга яхши билим эгаллаши учун қулай имкониятларни яратмоқда.

— Маълумки, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасида кўрилади, бу борада алоҳида қўнун қабул қилиниши ҳам бежиз эмас, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлигининг биринчи ўринбосари, полковник Жамшид Исроилов. — Шу маънода Ички ишлар вазирлиги амалий идораларига бугун йўлланма олган битирувчилар, албатта, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини, юртдошларимизнинг ҳаётини, мол-мулкни асраш ва сақлашда олган билим ва кўникмалари билан ибрат кўрсатади. Биз курсантларимизга, шогирдларимизга катта ишонч билдириб, бу йўлда уларга собитқадамлик ва чинакам касбига фидоийлик тилаймиз.

Маросимда курсантлардан икки нафарига имтиёзли диплом топширилди. Ўқиш давомида аъло ўқиши ва намунали хулқи билан сафдошларига ибрат кўрсатган битирувчилар ҳам устоз-мураббийлари томонидан рағбатлантирилди.

Наргиза АСАДОВА

«ХОРАЗМ ТАНБУР ЧИЗИФИ»

Миллий санъат марказида шу номдаги китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда санъатшунослар, талаба-ёшлар ва мусиқа ихлосмандлари иштирок этди.

«Хоразм танбур чизифи» китоби «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Хоразм Маъмур академияси, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ихтисослашган илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти ҳамкорлигида нашр этилди.

Айтиш жоизки, мустакиллик йилларида бевосита Юртбошимиз раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий санъатимизни изчил равишда топшириш, қадимий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга безавол етказиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, миллий мусиқа санъатимиз тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маълумотларга кўра, куйларни қоғозга туширишга бир неча асрлар аввал киришилган. Хоразмда XIX асрда ихтиро қилинган нота ёзуви асосида уста созандалар иштирокида Хоразм мақомларининг тўла мажмуасининг мусиқий ва шеърый матнлари ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган.

Машҳур ҳофизлардан бўлган Исқандар Ёқуб ўғли санъатимиз, маданиятимиз тарихига оид ноёб қўлёзмаларга, хусусан, «Хоразм танбур чизифи»нинг мукамал намунасига эга эди. Кейинги йилларда ушбу бебаҳо асар аввал унинг фарзандларига, сўнг невараси Хофиз Оллоназаровга мерос бўлиб қолган. Жаҳон мусиқа маданиятининг энг нодир намуналаридан иборат бўлган мажкур асарда «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Бузрук», «Ироқ» каби мақомларнинг ашула йўллари билан бирга «Зихий Наззора — Урганжий», «Мискин», «Ровий», «Охёр», «Садри Ироқий» сингари нодир дутор мақомларининг куй ва ашула матнлари, ихро усуллари мукамал келтирилган. Ушбу қўлёзма асосида мусиқашуно олим Отаназар Матёкубов, созанда Рустам Болтаев, манбаъшун Хомидулла Аминов «Хоразм танбур чизифи» китобини нашрга тайёрлади. Унда мақомот манбалари, мусиқий баёзлар, Хоразм танбур чизифининг юзага келиши, унинг тартиби ва низомлари, ёзув ва ихро услуби ҳақида тўлақонли маълумотлар берилган. Мажкур асар соҳа олимлари, мутахассислар, тадқиқотчилар, мусиқа ихлосмандлари ва талаба-ёшлар учун мўлжалланган.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
«Туркистон-пресс»**

Тошкент банк коллежи жамоаси «Молия ва бухгалтерия» кафедраси ўқитувчиси Дурдона Ҳайдаровага турмуш ўртоғи

Шухрат ҲАЙДАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихроқ этади.

Кўргазмалар

ГЎЗАЛЛИК ИНДУСТРИЯСИ НАМОЙИШИ

Хабар берилганидек, пойтахтимизда анъанавий «Beauty Expo Uzbekistan» халқаро гўзаллик индустрияси маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Олтинча марта ўтказилган мазкур тадбирда 17 та мамлакатнинг 50 дан зиёд компанияси гўзаллик бобидаги маҳсулот ва хизматларини тавсия этди. Жумладан, Франция, Болгария, Польша, Исроил, Туркия, Бельгия, Ҳиндистон, Италия, Испания, АКШ, Нидерландия, Греция, Чехиянинг пардоз-андоз ашёлари, декоратив ва професси-

онал косметика, гигиеник воситалар, парфюмерия ва ароматерапия, биологик фаол қўшимчалар, заргарлик буюмлари, пластик жарроҳликда қўлланиладиган ускуна ва материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналари, шунингдек гўзаллик салонлари ва клиникалари қатнашди. Кўргазмага кўпроқ хотин-қизлар ташриф буюргани бежиз эмас,

албатта. Аёллар ҳамиша зеболик шайдоси, ёши, касби, ҳаттоки мавсумга қарамай, гўзалликка интилиб келади.

— Гўзаллик индустриясидаги ютуқлар жуда жозибадор, — деди таъкидлаб «Рубелла» компанияси (Польша) вакили Андрей Буздра. — Кўргазмада иштирок этишимиздан мақсад авваламбор Европа давлат-

ларини «забт» этган косметика маҳсулотларимизни юртингизга олиб кириш бўлса, келгусида, насиб қилса, ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишдир. Бу ерда соҳада эришилган ютуқлар билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба ҳам алмашилди. Ўзбек аёлларининг ўзига хос гўзаллик сиймоси — ҳар бир кишини мафтун этувчи самимийлиги, очик чеҳраси ҳам ҳайратлантирди.

Бу галги кўргазмада оналар ва болаларга бағишланган алоҳида йўналиш ўз аксини топган. Тадбир доирасида маҳорат дарслари ўтказилди, шунингдек сартарошлик санъати ва декоратив косметика бўйича очик чемпионат уюштирилди.

Муҳаббат УМАРБЕКОВА

Мутахассис маслаҳати

ҚОРА ОҚСОҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Қора оқсоқ (бруцеллез) юқумли касаллик бўлиб, уни қўзғатувчи микроблар «бруцелла» деб аталади. Касалликнинг ҳайвонлар орасида кенг тарқалганлиги одамлар учун катта хавф туғдиради. Бруцелла микроблари ташқи муҳитга чидамли бўлиб, узоқ вақтгача касаллик қўзғатиш қобилиятини йўқотмайди.

Касалликнинг асосий манбаи қора оқсоқ билан хасталанган сиғир, қўй, эчки, от, туя, ит, чўчка, каламуш, сиқон хисобланади. Бундай ҳайвонлар бир неча ойгача ташқи муҳитга кўп миқдорда касаллик қўзғатувчи микробларни ажратди, бундан атроф-муҳит, тупроқ, сув, ем-хашак ифлосланади.

Касал ҳайвоннинг хом сутини қайнатмасдан ичганда, қаймоқ, сметана, творог ҳамда яхши термик ишловдан ўтмаган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилганда, ифлосланган сувдан, касал ҳайвонларни боққанда, гўштни нимталаганда, жун ва териларга ишлов беришда, ҳаво орқали тери ва шиллик қаватларга (кўз, оғиз, бурун) ифлосланган қўл текканида хасталик юқиши мумкин.

Қора оқсоқ ўткир, ўртача ва сурункали кечиси мумкин. Касаллик қўзғатувчиси турли йўллари билан инсон организмига тушгандан бошлаб, касалликнинг дастлабки аломатлари пайдо бўлгунгача ўтган давр 14 кундан 3 ойгача давом этиши мумкин. Бу вақт касалликнинг яширин даври деб аталади. Бунда беморда ҳолсизланиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, кечалари қаттиқ терлаш, бошда, қўл ва оёқ бўғимларида оғриқ кузатилади.

Баъзида касаллик ўткир бошланади. Касалликнинг бу тури 2-3 ойга чўзилади, агар бемор ўз вақтида даволанмаса, у сурун-

кали турига ўтиб кетади.

Қора оқсоқнинг сурункали турида инсон организмнинг ички секреция безлари, асосий тизимнинг фаолияти бузилади, қўл, оёқ ва умуртқа погонасининг бўғинлари зарарланади. Касаллик асорати натижасида инсон меҳнатга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин.

Касаллик эрта аниқланиб, ўз вақтида тегишли тиббий ёрдам кўрсатилса, бемор 2-3 hafta ичида соғайиб кетади. Шунинг учун киши ўзида қайд этилган аломатларни сезганда, ўз билганича даволанмасдан, зудлик билан шифокорга мурожаат қилиши керак.

Касалликнинг олдини олиш мумкинми, деган савол ҳам табиийдир. Агарда уй шароитида боқилаётган ҳайвонлар ветеринария назоратидан ўтказиб турилса ва қора оқсоқ касаллигига қарши эмлатилса, аҳоли турар жойларида фуқаролар келтириб сотилаётган сўт маҳсулотлари харид қилмасдан, сифати кафолатланган маҳсулотларни озик-овқат дўконларидан ёки бозорларда ветеринария кўригидан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотномасига қараб сотиб оلسа, касалликнинг олди олинган бўлади.

Ўзингизнинг ва яқин кишиларингизнинг саломатлиги ўз қўлингизда эканлигини унутманг.

**Зуфия ШОМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази шифокори**



Пойтахтимизнинг гўзал ландшафт меъморчилиги намунаси

Бугунги кунда жамиятимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳар жабҳада фаоллигини ошириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Чунончи, Шайхонтохур тумани хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёлларда етакчилик қобилиятини шакллантириш ва улар орасидан энг фаолларини туман кадрлар захирасига тавсия этиш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Бу борада «Лидер қизлар» клуби фаолияти алоҳида эътиборга эга.

Семинарлар
АЁЛЛАР
ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Кўни кеча мажкур клуб ташаббуси билан «Шарқ аёли» халқаро жамоат жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги ўқув семинари «Аёлнинг илм-маърифат тараққиётидаги роли» мавзусига бағишланди.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда хотин-қизларга давлат сиёсати даражасида қаратилган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар ўз самарасини бермоқда. Бугунги кунда аёллар нафақат оила бека-

си, балки турли соҳада фаолият юритиб, катта-катта ютуқларга эришиб келаётган.

«Шарқ аёли» жамғармаси раиси, академик С. Турсунбоева, «Умуминсоний кадрятлар савоб маркази» директори Ш. Орипова, «Қирққиз» маркази раиси Г. Хўжамшукурова ўз тажрибалари, ҳаётда эришган ютуқлари, айна пайдаги фаолиятлари хусусида ўртаклашдилар.

Айниқса «Қирқ қиз ёхуд аёллар академияси» ҳуж-

жатли фильми барчада катта қизиқиш уйғотди. Маълумотларга кўра, бундан икки аср аввал Сурхондарё вилоятида Осиёнинг энг билимдон қизларини бирлаштириб, илм-фан тараққиётида ўз ўрнини қолдирган «Қирқ қиз академияси» фаолият бугун жамиятимизнинг фаол аёллари томонидан қайта тикланган.

Аёлларнинг илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва инновацион дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш мақсадида тузилиб, бугунги кунда «Барча оилага тинчлик, тотувлик, фаровонлик улашиш» шiori остида кенг фаолият юритаётган «Шарқ аёли» жамғармасининг хайрли ишлари кўпчиликланиб эътиборини тортиди.

Раҳбар аёлларнинг очик мулоқот тарзидаги баҳс-мунозаралари мустакил ҳаётга энди қадам қўйган, аммо дастлабки ютуқларни қўлга киритишга улгурган қизларимиз учун маҳорат мактаби бўлди, десак адашмай-миз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.

Мажкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун

талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036,

ИНН: 200933850. Тузатиш: «Тошкент оқшом» газетасининг 21.06.2010 йилдаги №119 (11.680)-сонидан чоп этилган, Республика Кўчмас мулк биржасининг аукцион савдосига чиқарилган Тошкент Кимё-технология институтига тегишли, «Газ-2401» русумли автотранспорт воситасининг д/р 10AG760, «Тико» русумли автотранспорт воситасининг д/р 10AN364 ва «Тико» русумли автотранспорт воситасининг д/р 10AG865 деб ўқилсин. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Коракамш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: DB 001 №000004 www.rkmb.uz.



Ёз — ўтмоқда соз

Ўқувчилар ёзги таътил кунларини мароқ билан ўтказмоқда. Уларнинг маза қилиб дам олиши учун мактаблар қошида ҳам оромгоҳлар ташкил қилинди.

БОЛАЖОНЛАРГА МАНЗУР

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ёзги таътил даврида фаолият кўрсатаётган оромгоҳларга сардорлар бириктирилиб, «Камалот» болалар ташкилотлари ташкил этилди. Таътил кунларида кадрдон мактаблари бағрида дам олаётган ўқувчилар учун «камалот»чилар турли тадбирлар

ўтказмоқда.

Айниқса «Ёзи «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида ўтказилаётган «Кўчма спорт», «Харбий спорт оромгоҳи», «Кутубхона кун», «Хайвонот боғига саёҳат» тадбирлари болажонларга манзур бўлаётир.

**Фотиما
ТУРГУНХУЖАЕВА,
Шоҳиста МУҲСИМОВА**

Бектемир туманидаги 293-мактабда «Қуёшча» деб номланган ёзги соғломлаштириш оромгоҳи болажонларга хизмат қилмоқда.

Яқинда бу ерда болажонлар иштирокида автомоделлизм бўйича мусобақа уюштирилди. — Мақсадимиз болажонларнинг спортнинг ҳар қандай тури билан шуғулланиши учун им-

коният яратишдир. Спорт саломатлик манбаи эканлигини фарзандларимиз тушуниб етишига эришишимиз лозим. Бола қанчалик мазмунли дам олса, ўқув йилини ҳам шунчалик куч ва ғайрат билан бошлайди, — деди «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими мутахассиси Ўлмасхон Қодирова.

Тумандаги 290-мак-

табда ташкил этилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳида эса «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ракетамоделлизм бўйича мусобақа ҳамда «Пиёда — умринг бўлсин зиёда» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда 60 дан зиёд ўсмирлар қатнашди.

**Шоира
МУҲАМЕДОВА**

СОҒ ТАНДА СОҒЛОМ АҚЛ

Қатрлар

БЕҲУДА ҚАРСАК

— Ҳосилга кирдингу хуснингни йўқотдинг. Болаларнинг ур калтак, сур калтагидан шохларинг узукюлук. Оғир юкдан белинг майишиб, бошинг ерга тегай дейди. Мунча ўзингни қийнасанг? — деди терак ёнидаги олма дарахтига.

— Менга ачинапсанми ёки...
— Ачинапман.
— Менга ачинмасанг ҳам бўлади.
— Қизиқ, нега?
— Меваларимни одамлар баҳам кўрса, чарчоғим босилади. Умрим бекор ўтмаяпти, дейман. Қийналганимга армон қилмайман.

Терак бу жавобнинг ўзига ҳам тегишли эканини пайқаб, хушёр тортиди. Бировларга бекорга қарсақ чалиб, ўтказайтган умрига афсус қила бошлади.

ШАРОФАТ

Ариқчадан шалдираб келаётган сув ҳовузчадаги сувга кўшилди. «Мен билан ҳамроҳ бўл, бекорга ётма», дея уни далага ундади.

— Сенга нима. Мени ўз ҳолимга қўй... — аввалига ижирғанди ифлос сув.

— Хунук бўлиб ётишинг кўрганларнинг кайфиятини бузади. Ахир сен менинг жондошим, қондошимсан, — оқар сувнинг чиндан қайғуриши ифлос сувдаги лоқайдликни чекинтирди. У оқар сувга энди чиндан ҳам ҳамроҳ, ниҳоллар гуркида жўшди. Номияшхиликка йўйилган ҳамроҳидан бир умр миннатдор.

— Мени фойдали меҳнатга ундаганинг яхши бўлди. Менинг ҳам юзим сеникидек ёруғ...

Яхшининг шарофати улуг, деб шунга айтади-да.

Гани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

О'ZSANOATQURILISHBANK

ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» юртдошларимизга янги «Коммунал хизматлар тўловига» омонатини таклиф этади:

Омонат шартлари:

- Омонат тури - жамғарма омонати
- Омонатни саклаш муддати - 2 йил
- Омонат ҳақми - бир ойлик коммунал тўлови ҳақмига боғлиқ

Омонатга ҳар ойда ҳисобланган фоиз даромадлари омонатчи коммунал хизмати ҳақи учун пул кўчириш орқали ўтказилади



Маълумат учун телефонлар:
896-76-47, 120-46-84



«Ўзсаноатқурилишбанк» да сарфлаганинг ақоли оқолинида «Ўзсаноатқурилишбанк» да сарфлаганинг ақоли оқолинида «Ўзсаноатқурилишбанк» да сарфлаганинг ақоли оқолинида

Жаҳон чемпионати ҳал қилувчи паллага кириб, ўтган жума, шанба кунлари барча чорак финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Голландия — Бразилия ўйини чемпионатнинг энг кескин ва мурасасиз беллашувларидан бирига айланди. Кўпчилик мутахассислар Бразилиянинг ғалабасини башорат қилган бўлсада, «тўп юмалоқ, майдон текис», деганларидек аслида ўйин бошқача кечди.

Ҳар ҳолда беллашуви бразилияликларнинг ҳужумлари билан бошланди ва 10-дақиқада Майкандан тўпни қабул қилиб олган Рабиньо ҳисобни очигша муваффақ бўлди.

Бирок 2008 йилдан буён қаторасига 23 та ўйинда маглубият нима эканлигини билмай келаётган Голландия ҳам анойилардан эмасди. Иккинчи бўлимда голландлар ўзларини кўрсатиб, ғалабага бўлган кучли иродаларини намойиш этдилар. 53-дақиқада Уэсли Снейдернинг дарвоза томон кучли зарбасини бразилияликлар ярим ҳимоячиси Фелипе Мело боши билан йўналишни ўзгартириб майдондан ташқарига чиқариб юбормоқчи бўлдию, бироқ тўп дарвоза тўрига тушди ва автогол ҳолати юз берди—1:1.

Голландлар ҳужумга зўр бердилар ва 68-дақиқада бурчакдан чиқарилган тўпнинг йўналишини Дирк Кёйг бир оз ўзгартирди. Уни қабул қилган Уэсли Снейдер боши билан дарвозага аниқ йўллади—2:1. Бу Снейдернинг чемпионатдаги учинчи тўпи эди.

73-дақиқада Мело қизил карточка олиб майдондан чиқариб юборилганидан кейин голландларнинг ғалаба қозонишлари аниқ бўлиб қолди ва улар бунга эришдилар. Ҳисоб янада катта бўлиши мумкин эди, бироқ голландлар учрашув охирида хотиржамликка берилиб 2 та хавфли вазиятни бой бердилар.

Уругвай — Гана учрашувидан африкаликлар майдонда аниқроқ ҳаракат қилдилар. Биринчи бўлим охирида Салли Мунтари 35 метрдан туриб кучли зарба бергани ҳолда ҳисобни очди.

55-дақиқада эса уругвайликларнинг етакчи ҳужумчиси Диего Форлан жарима зарбасини қойиллатиб бажарди — 1:1. Ўйиннинг асосий вақти дуранг натижа билан тугаган, белгиланган кўшимча вақтда ганаликлар кўпроқ ҳужум уюштиришди.

Жаҳон чемпионати-2010 КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР...



Айниқса, кўшимча вақтнинг сўнгги дақиқаларида Гана кескин ҳужум уюштириб, африкаликлар дарвозага кетма-кет уч марта зарба бердилар. Учинчи зарбани Луис Суарес қўли билан қайтаргани учун майдондан чиқариб юборилди ва ганаликлар пенальти тегиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларда Асамоа Гьян берган зарба дарвоза тўсинига тегиб қайтди.

Пенальтилар серияси баҳсид эса уругвайликлар дарвозабонининг иккита тўпни қайтариши туфайли Жанубий Америка китъаси вакили 4:2 ҳисобида ғалабага эришиб, ярим финалга йўлланма олди. Германия — Аргентина беллашуви чемпионатнинг энг чиройли ўйинларидан бири бўлди, десак адашмаймиз. Уни мутахассислар олдиндан ўтказилган финал, дея баҳолашди. Зеро, ҳар иккала жамоанинг кучи деярли тенг эди.

Бирок немислар майдонда аниқ ва батариб ҳаракат қилиб, кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштириб туришди.

Натижа узок куттирмади. Учинчи дақиқадаёқ ёш, умидли ҳисобни очиб, ўзининг чемпионатдаги тўртинчи тўпини киритди. Йигирманчи дақиқалардан кейин Аргентина термаси ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилиб, суръатни оширди, бироқ уларга омад кулиб боқмади.

Иккинчи бўлимда германияликлар ташаббусни тўлалигича ўз қўлларига олдилар. Дастанб Мирослав Клозе, сўнг Арни Фридрих ҳисобни 3:0 га етказдилар. Ниҳоят Клозе 89-дақиқада аниқ зарба билан учрашувда сўнгги нуқтани қўйди — 4:0. Бу Клозенинг ўйиндаги дубли ва чемпионатдаги тўртинчи тўпи эди. Таъкидлаб ўтиш жоиз, ҳеч ким Аргентинадек кучли жамоанинг бундай йирик ҳисобда маглубиятга учрашини кутмагани. Демак, чемпионатда тўлалигича ишга тушган «немис машинаси»ни

тўхтатиб қоладиган куч йўқ. Ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси ҳам ушбу учрашувни ажойиб тарзда бошқарганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Ниҳоят Испания — Парагвай учрашувда хавфли вазиятлар кам бўлди. Майдонда испанларнинг бир оз устунлиги сезилиб турди. 83-дақиқада уюштирилган кескин ҳужум самара бериб, дарвоза устунига тегиб қайтган тўпни Давид Вилья қайта зарба бериб дарвозага аниқ йўллади — 1:0. Шу тариқа Вилья чемпионат тўпурарлари баҳсида 5 та гол билан карвонбошилиқ қилмоқда.

Шундай қилиб, 6 июлда ўтказиладиган дастлабки ярим финал учрашувда Голландия — Уругвай, 7 июлда эса Германия ҳамда Испания терма жамоалари ўзаро куч синашади. Фикримизча, Германия ва Голландия жамоаларининг финалга чиқиши, Германиянинг эса чемпион бўлиш борасидаги имкониятлари кучлироқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Гар ақлин раҳнамо
қилолмас киши,
Дилин ўртар унинг қилган
ҳар иши.

* * *

Ақл улугликка этади пайванд,
Ақлсизнинг доим оёғида банд.

* * *

Ақл дил кўзи-ку, фаҳмига
етсанг,

Яхшимас жаҳондан кўр
ўтиб кетсанг.

* * *

Ҳамиша ақлингни раҳнамо
этгил,

Нолойиқ ишлардан
олисроқ кетгил.

* * *

Йўл изла донолар сухани
томон

Доно сўзин такрор этиб,
кез жаҳон.

* * *

Ҳар нечук илмдан
эшитсанг бир сўз,
Уни тинмай ўрган кечаю
кундуз.

* * *

Илмдан бир шуъла дилга
тушган он
Шунда билурсанким,
илм бепоён.

* * *

Ота сўзин такрор этади ўғил,
Бободан отага ўтади нақл.

* * *

Бошидан-оёғи афсона дунё,
Яхшию ёмони бари бебақо.

* * *

Жаҳон меҳри сенга
бўлмас пайваста,
Сирин оча олмай кетурсан
хаста.

* * *

Озодни танбаллик кул
этмиш нукул.

* * *

Ҳар ким насибасин
билсин кўпу кам,
Ўз андозаси-ла
ташласин қадам.

* * *

Яратгувчига ким бўлмиш
ношукур,
Тинимсиз балодан дили
тирналур.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3840 тиража босилади.
Қағоз беғилат А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер
марказида теришти ва сақланади.

«Шарқ» нашрийт-матбос ақциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: Булок Турон кўчаси, 41-уй.

123 5